



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 30 май, № 110 (7068)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАР БИР ТАРМОҚ ВА ҲУДУДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, РАҲБАРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 29 май кунги экспорт-импорт, маҳаллий бюджетга қўшимча тушумларни таъминлаш, қишлоқ хўжалигида ғўза парварishi, ғалла ўрими, такрорий экинлар ва сувдан оқилона фойдаланиш каби муҳим тadbирларни самарали ўтказиш билан боғлиқ бугунги кунда гоят долзарб бўлиб турган масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, видеоселектор орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди.

Бугунги кунда иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур тармоқда 3,6 миллиондан зиёд киши меҳнат қилмоқда, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши изчил ошиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқ жойларга саноатнинг жадал кириб бориши ва янги иш ўринларини очиш учун аграр сектор имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида кенг имконият яратди.

Ўтган бир йрим йил мобайнида экспортни рағбатлантириш ва бунинг учун зарур қулайлик ва имтиёзлар яратиш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижроси доирасида жорий этилаётган янгилликлар, тармоқлар ҳамда ҳудудлардаги мавжуд экспорт салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бўйича қўрилаётган амалий чоралар натижасида экспорт ҳажми ошмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 25 майига қадар 4 миллиард 576 миллион доллар ҳажмида экспорт амалга оширилган. Шу ойнинг охиригача

белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилади. 2017 йилнинг 5 ойига солиштирганда, экспорт ҳажми қарийб 21 фоиз ўсиши кўтилмоқда. Шунингдек, биринчи ярим йилликда 5 миллиард 886 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, прогноз кўрсаткичлари 100,9 фоиз бажарилиши ва 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 25 фоиз ўсишга эришиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш иштирокчилари эътиборини ана шундай ижобий натижаларга қаратар экан, аини вақтда улар мавжуд имконият ва салоҳиятга нисбатан анча пастлигини таъкидлади. Айрим тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари бу борада ўз масъулиятини етарли даражада ҳис этмаётгани, бу эса экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича резервлар тўлиқ ишга солимаслигига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича атрофлиб танқидий таҳлил қилиниб, бу борада амалга оширилаётган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Четта маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида белгиланган режаларни бажармаган республика ташкилот ва корхоналари, ҳудудлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, қолқилинган сабаб ва оқибатларини аниқлаб, уларни тезда бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Селектор йиғилишида мамлакатимизда импортни оптималлаштириш ишлари мутлақо қониқарсиз ахволда экани қайд этилди. Жорий йилнинг 4 ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича товарлар импорти 4 миллиард 858 миллион долларни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан 1 миллиард 111 миллион доллар ёки 30 фоиз ошган. Бундай ҳолатга са-

баб бўлган омиллар, асосан, импорт таркибини ўрганиш ва импортни оптималлаштириш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмагани, январь — апрель ойларидa комплекслар таркибига қирадиган корхоналар томонидан юртимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган товарларни харид қилиш ўрнига, четдан шу турдаги 89 миллион долларлик маҳсулот импорт қилингани билан боғлиқ экани айтиб ўтилди.

Ана шундай камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан масъул шахсларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда бу йил мамлакатимизда ёғингарчилик нисбатан кам бўлгани, оқибатда аксарият ҳудудларда сув таъқислиги юзага келгани, бундай ҳолат сувдан унумли фойдаланишни тақозо этиши алоҳида таъкидланди.

Шу мақсадда шoли екиладиган майдонларни 162 минг гектардан 94 минг гектарга қисқартириш, сув таъминотида муаммо бўлмаган Сирдарё вилоятидаги 7,5 минг гектар ерни Хоразм вилояти фермерларига, Жиззах вилоятидаги 5,5 минг гектар ерни Қорақалпоғистон фермерларига такрорий экин сифатида шoли екиш учун бериш зарурлиги қайд этилди.

Сув таъқислиги кутилаётган Қашқадарё вилоятида такрорий экин майдонлари 30 минг гектарга, Самарқанд вилоятида 42 минг гектарга, Бухоро вилоятида 20 минг гектарга, Навоий вилоятида 14 минг гектарга ва Қорақалпоғистонда 10 минг гектарга қамайтирилиши маълум қилинди. Ушбу ҳудудларда сувни кам талаб этадиган мош, ловия ва бошқа озуқабop экинлар екиш, уларни сув манбаларига яқин ер майдонларига жойлаштириш кераклигига эътибор қаратилди. Ана шу ишларни ўз вақтида, самарали ташкил этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида юртимизда бу йил баҳорнинг салқин ва қуруқ келиши пахта етиштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани, натижада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ғўза ривожланиши анча орқада қолаётгани, бу эса унинг парварishiга жиддий эътибор қаратишни тақозо этиши ҳақида ҳам атрофли-ча фикр юритилди. Айниқса, бундай огир шарoитда культиваторлардан юқори даражада самарали фойдаланиш, тупрокни чуқур юмшатиш, майда чопиқ қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш ва назорат ишларига ўта масъулият билан ёндашишни талаб этиши қайд этилди.

Шунингдек, бу йил пахта етиштиришни молиялаштириш бўйича мутлақо янги тизим яратиш, агро-техник тadbирларни вақтида ва сифатли амалга ошириш учун техник воситалар тайёрлигини ҳамда уларни мунтазам равишда дизель ёнгилгиси билан таъминлаш ишларини ташкил этиш юзасидан тегишли вазирлик, идора ва ҳудудлар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Йиғилишда мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача **“Ғўзада қафолати ҳосил яратиш зарбдор ойлиги”** эълон қилиниши бўйича келишиб олинди. Катта меҳнат ва харажат билан етиштирилган ҳосилни тўла сақлаб қолиш мақсадида фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ишчилари қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мутасаддиларининг сувчи ва механизаторлар, аграр соҳа олимлари ва агрономлар билан биргаликда барча бўғиндаги депутатларнинг ҳам сафарбарлиги ва масъулиятини оширишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Кун тартибидagi яна бир муҳим масала — жорий йилда етиштириладиган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатда йғиштириб олиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз бўйича бу йилги ғалла ўрим-йғими мавсумида қатнашадиган мавжуд 3 минг 106 та юқори унумли ғалла ўриш қомбайнини сифатли таъмирлаш ва тайёрлаш учун барча шарт-шарoит яратиб берилди. Бундан ташқари, 400 та янги ғалла ўриш қомбайни

жойларга етказилмоқда. Улар ўрим-йғими ишларини ҳар йилгига нисбатан бир ҳафта олдин якунлаш имконини беради. Бунинг учун жойларда ғалла ўрим-йғими отрядларини тузиб, уларга қомбайн, дон ташиш техникаси, кўчма таъмирлаш устаноналари ва ёнгилг күйиш агрегатларини бириктириб, ўрим-йғими ишларини график асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамасига тез кунларда жорий йилдаги ғалла ўрим-йғими билан боғлиқ барча таъкилий масалаларни ўз ичига олган қарор лoйиҳасини киритиш вазифаси топширилди.

Мажлисида ҳудудларда бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш борасида олиб бoрилаётган ишларнинг ҳолати танқидий таҳлил асосида қўриб чиқилди. Бу борада жорий йилнинг шу даври учун белгиланган режалар айрим ҳудудларда бажарилмасдан қолаётгани танқид қилинди. Натижада шу ҳудудларда солиқ қарздорлиги ошиб бормоқда.

Жойлардаги маҳаллий ҳoқимликлар, секторлар раҳбарлари ҳанузгача бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш ва жалб қилишдан қўзланган мақсадни чуқур тушуниб етмаётгани айтиб ўтилди. Бу борада молия ташкилотлари томонидан қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ўрганишлар ўтказилмаётгани, фаолият кўрсатмаётган юридик шахслар фаолиятини қайта тиклаш ўрнига фақатгина уларни текшириб, фаолиятини тугатиш билан қекланаётгани асосий сабаблар сифатида қайд этилди. Ҳар бир тармоқ ва ҳудудда ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг масъулияти ва фаолият самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди.

Мажлисида сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан билдирилган чуқур танқидий фикрлар асосида, соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни тезда бартараф этиш, белгиланган топшириқ ва режаларни вақтида ва самарали бажариш бўйича амалий фикр ва таклифлар билдирдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА МЕХАНИЗАЦИЯ ВА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг тезкор ривожланиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2016 йилда қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва сервис хизмати кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга механизация хизматлари кўрсатишнинг ягона ўзарo боғланган тизимининг яратилиши қишлоқ хўжалиги корхоналари, “Ўзагросервис” АЖ ташкилотларининг сервис корхоналари ва машина-трактор паркларини қайта жиҳозлашни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, мазкур соҳада ўтказилган таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш тизимида қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатди. Улар қаторида:

биринчи, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзагросервис” АЖ ва улар таркибидagi корхоналарнинг, хусусан, машина-трактор паркларининг якуний молиявий кўрсаткичлари ва фаолиятининг самарасиз ташкил этилганлиги мазкур ташкилотлар фаолияти ва бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилишини талаб этмоқда;

иккинчи, тadbиркорлик субъектларининг машина-трактор парклари фаолиятига жалб этилмаганлиги уларни ривожлантириш ва модернизация қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчи, якка тартибдagi тadbиркорларга нисбатан механизация ва сервис хизматларини кўрсатишлари борасидаги чекловлар мазкур хизматлар бозорининг тезкор ривожланишига ва қишлоқ хўжалиги ерларининг зарур техника билан кенг қамраб олинishiга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчи, механизация ва сервис хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этишда маҳаллий ижро ҳoқимияти органлари манфаатдорлигининг паст даражадалиги уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

бешинчи, айрим мансабдор шахсларнинг механизация ва сервис хизматлари кўрсатувчи тadbиркорлик субъектлари фаолиятига аралашishiлари хусусий мулк дахлсизлигининг кафолатлари бузилишига ва мазкур фаолиятни амалга оширишнинг жозибадорлиги пасайishiга олиб келмоқда;

(Давоми 2-бетда).



Брифинг

«Циндао саммити ШХТни ривожлантиришда дадил қадам бўлади»

Жорий йилнинг 9-10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Кеча пойтахтимизда мазкур йирик халқаро тadbир олдидан брифинг ташкил этилди.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчионаси ва Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан Халқаро пресс-клуб кўмағида уюштирилган анжуманда дипломатлар, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, ШХТ бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келаётган тузилмалардан биридир.

(Давоми 2-бетда).



Ҳамкорлик

Парламентлараро мулоқот

мустаҳкам дўстлик муносабатларига хизмат қилмоқда

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг Тўроғаси

(Давоми 3-бетда).



Қисқа

сатрларда

● Женевадаги Халқаро 107-меҳнат конференциясида мамлакатимиз делегацияси аъзолари ижтимоий мулоқот ва меҳнат бозоридagi гендер тенглиги каби долзарб масалалар муҳокамасида қатнашишди.

● Нукусда ўтказилган “Ҳамшира — 2018” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 21 нафар ҳамшира ўзарo беллашди. Амалий ҳамда назарий билимларини сано-дан ўтказиб, голибликни қўлга киритганлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

● Наманган шаҳридаги 170 дан ортиқ автобус бекатларида “Халқ кутубхонаси” деб номланган китоб жавонлари ўрнатилиб, уларнинг ҳар бирига ўздан ортиқ адабиётлар жойлаштирилди.

● Миллий матбуот марказида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида “Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва тахрир масалалари” мавзuida илмий-амалий конференция ташкил этилди.

● Ўтган йили хорижлик истеъмолчиларга 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот етказиб берган Андижондаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Inves tex” Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари тури 100 дан ошди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хоборлари асосида тайёрланди.

«And-Sanoat Plast»:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ

истикболли лoйиҳалар рўёбига йўл очмоқда

Инвестиция

Яқинда Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига амалга оширган расмий ташрифи Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди. Зеро, музокаралар давомида савдо-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ҳамда рақамли технологиялар соҳаларида янада яқинроқ ҳамкорлик қилишга келишиб олингани, акки давлат компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 3-бетда).



Суд ҳимояси

Уч йилдан ортиқ давом этган муросасиз кураш

бир фуқаронинг айбсиз эканлигини исботлаш билан якунланди



“Тошкент шаҳар Олмazor тумани судининг фуқаро Мухтабар Раҳимжоновна Алимтаевага нисбатан чиқарган ҳукми Ўзбекистон Республикаси Жинoят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан, яъни содир этилган жинoятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жинoят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари, қилимиш ва рўй берган ижтимоий ҳавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш исботланмаганлиги учун айбланувчи тўлиқ реабилитация қилинсин”.

Жинoят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг ушбу қонуний ва адолатли қарори қабул қилиниши учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази масъул ходимлари уч йилдан ортиқ муддат давомида муросасиз кураш олиб боришга мажбур бўлишди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА МЕХАНИЗАЦИЯ ВА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ОЛТИНЧИ, агротехник ишларни ташкил этишда алоҳида ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, жумладан, ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқилмаслиги, шунингдек, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда механизация хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат молиявий кўмагининг мавжуд эмаслиги машина-трактор паркларида сезиларли даражада қарздорликлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда;

ЕТТИНЧИ, қишлоқ хўжалик техникаси ва унинг эҳтиёт қисмларига бўлган нархларни оптималлаштириш, шунингдек, ўзаро манфаатдорлик шартлари асосида мамлакатга янги илгор ишлаб чиқарувчиларни жалб қилиш борасидаги ишларнинг лозим даражада амалга оширилмаганлиги механизация ва сервис хизматлари бозорининг ривожланишига тўққонлик қилмоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг норозилигини келтириб чиқармоқда ва машина-трактор парклари фаолиятининг самарадорлигини пайсаятирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилаётган механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш sanoatини, енгил sanoatни ривожлантириш, маҳсулотларини стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбарига (Н. С. Отахонов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 7-бандининг “Автосаноат Агротехсервис” МЧЖ ва “Ўзагротехсервис” АЖ машина-трактор парклари тизимини оптималлаштириш қисми бажарилмаганлиги қатъий кўрсатиб ўтилсин.

“Ўзагротехсервис” АЖ “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Агробанк” АТБ билан биргаликда икки ой мuddатда “Автосаноат Агротехсервис” МЧЖ ва “Ўзагротехсервис” АЖ машина-трактор парклари тизимини оптималлаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва оптималлаштиришнинг барча жараёнларини 2018 йилнинг 1 октябрига қадар якунласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖнинг:

2018 йил 1 июлдан “Ўзагротехсервис” АЖни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш; “Ўзагротехсервис” АЖ устав жамғармасидаги “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖга тегишли бўлган улушни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ устав жамғармасини ўтказилаётган улушнинг баланс қийматига қамайтирган ҳолда давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва “Ўзагротехсервис” АЖ билан ҳамкорликда икки ой мuddатда “Ўзагротехсервис” АЖни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг ташкилий тузилмасидан чиқариш билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

4. Махфий.

5. “Ўзагротехсервис” АЖ Қузатув кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки: “Ўзагротехсервис” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш sanoatини, енгил sanoatни ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси таркибига қиради;

“Ўзагротехсервис” АЖ бош директори жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқланади ва мақомига қўра вазирга тенглаштирилади;

“Ўзагротехсервис” АЖ бош директори ўринбосарлари жамиятнинг Қузатув кенгаши томонидан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқланади ва мақомига қўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

6. “Ўзагротехсервис” АЖ икки ой мuddатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда “Ўзагротехсервис” АЖ ташкилотларининг бўш турган ва фойдаланилмаётган биналари ва иншоотларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда уларни ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари олдидagi қарздорликларини тегишли равишда қамайтирган ҳолда баланс қиймати бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига машина-трактор паркларининг “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар қафиллигида тақдим этилган кредитлари бўйича мажбурият таъминотини (қафиллик, мол-мулк гарови) алмаштириш тўғрисида тақлифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, “Ўзагротехсервис” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг 2018 йил 1 ноябрдан қуйидагилар орқали машина-трактор паркларини бошқаришнинг энг самарали шаклини танлаш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда — эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик билдирилсин;

“Ўзагротехсервис” АЖнинг 2-иловага мувофиқ 26 та машина-трактор паркни тадбиркорлик субъектларига сотиш;

“Ўзагротехсервис” АЖнинг 3-иловага мувофиқ 3 та машина-трактор паркни давлат унвондор корхоналарига (кейинги ўринларда — “Туман МТП” ДУК) айлантириш.

8. Белгилансинки:

а) “Ўзагротехсервис” АЖ машина-трактор паркларини сотиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлари томонидан 2018 йил 31 декабргача қуйидагилар орқали таъминланади:

баҳолаш бўйича ишлар харажатларини тегишли машина-трактор парклари маблағлари ҳисобидан қоплаган ҳолда машина-трактор паркларининг мулкчи ва мулкчи ҳуқуқлари баҳолаш;

бир ёки бир нечта тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли машина-трактор паркларининг устав жамғармасидаги таъсисчи улушини эълиб бир фoиздан юз фoизгача бoзoр нархида сотиб олиш бўйича энг яхши тақлифлар танловини эълон қилиш ва ўтказиш;

машина-трактор паркларининг устав жамғармасидаги юз фoиз улуш сотиб олинган вақтдан бошлаб икки йил давомида ташкилий-ҳуқуқий шакл ва асосий фаолият турини (механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш) саклаб қолиш шарти билан “Ўзагротехсервис” АЖ ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тегишли шартнома тузиш;

машина-трактор паркларининг устав жамғармаларидаги таъсисчи улушини сотишдан келиб тушган барча маблағлари “Ўзагротехсервис” АЖ ташкилотларининг қарздорликларини қоплашга йўналтириш;

б) таъсисчининг тегишли машина-трактор паркларининг устав жамғармаларидаги улушини баҳолаш қиймати бўйича сотиш имкони бўлмаган тақдирда, “Ўзагротехсервис” АЖ сотишга қўйилган активларнинг нархларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли “Давлат мулкчи объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги қарориди назарда тутилган тартибда босқичма-босқич пайсаятириш механизмини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли;

в) “Ўзагротехсервис” АЖ машина-трактор паркларини “Туман МТП” ДУКга айлантириш тегишли вилоятлар ҳокимликлари томонидан 2018 йилнинг 31 декабригача қуйидагилар орқали таъминланади:

машина-трактор паркларининг устав жамғармаларидаги улушини кейинчаликда уларни “Туман МТП” ДУКга айлантирган ҳолда тегишли туман ҳокимликларига баланс қиймати бўйича ўтказиш;

“Ўзагротехсервис” АЖ устав жамғармасидаги давлат улушини туман ҳокимликларига ўтказилаётган улушнинг баланс қийматига қамайтириш;

тегишли туман ҳокимликлари томонидан “Туман МТП” ДУК уставларини тасдиқлаш, шунингдек, уларни малакали кадрлар билан тўлдирш;

г) тадбиркорлик субъектларига сотилган машина-трактор парклари, шунингдек, “Туман МТП” ДУК тегишлича “Ўзагротехсервис” АЖнинг сотиладиган ва қайта ташкил этиладиган машина-трактор паркларининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

д) тегишли туман ҳокимлиги “Туман МТП” ДУКнинг таъсисчиси ҳисобланади ва мазкур корхонанинг мулкчи етарли бўлмаган ҳолларда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиялар тарзда жавобгар бўлади;

е) тадбиркорлик субъектларига сотилган машина-трактор парклари ва “Туман МТП” ДУКларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 14-банди билан “Ўзагротехмаш” АЖ ва “Ўзагротехсервис” АЖ ташкилотлари учун белгиланган барча божхона, солиқ имтиёзлари ва преференциялар, бўшаган маблағларни қарздорлиқни ёпишга йўналтирган ҳолда, татбиқ этилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларига экспериментнинг муваффақиятли ўтказилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

10. 2019 йилда “Туман МТП” ДУКларга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг мақсадли параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Махфий.

12. Экспериментда иштирок этувчи ташкилотларга қуйидагиларни таъминлаш тавсия этилсин:

машина-трактор парклари томонидан кўрсатиладиган механизация ва сервис хизматлари рўйхатини кенгайтириш, жумладан, юк ва енгил автотранспорт воситаларига ҳамда техниканинг бошқа турларига сервис хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш;

машина-трактор парклари фаолиятига инвесторларни, жумладан, уларга хоналар, бино ва иншоотларни ижарага бериш ҳамда машина-трактор паркни ҳудудда биргаликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бoриш йўли билан жалб қилиш; тегишли машина-трактор паркларининг жиҳозларини модернизация қилиш, шунингдек, механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган жиҳозларнинг янги замонавий турларини сотиб олиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: 2020 йил 1 январга қадар ўтказилган эксперимент натижалари бўйича машина-трактор паркларини бошқаришни ташкил этишининг энг самарали шаклини қўллаш бўйича асосланган тақлиф киритсин;

2020 йилга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришда ҳосилдорлиги паст ерларга хизмат кўрсатувчи “Ўзагротехсервис” АЖ машина-трактор парклари учун қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олишга субсидиялар ажратишни назарда тутсин.

14. 2018 йил 1 июлдан яқка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширишга рўхсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қишлоқ аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга жалб этиш бўйича кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бoриш, шунингдек, уларга ўз фаолиятларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси эксперимент ўтказишда қонунчиликка риоя этилиши ҳамда давлат органлари мансабдор шахсларининг машина-трактор парклари, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолиятига аралашиларига йўл

қўйилмаслиги устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш, таъмирлаш ҳамда механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан тизимли мониторинг ва жамоатчилик назоратини олиб бoриш, уларнинг натижалари бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини қўлаб қўллаган даъво аризалари киритиш тавсия этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги техникаси ва улар эҳтиёт қисмлари нархларининг жаҳон конъюнктурасини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича аниқ тақлифлар киритсин:

қишлоқ хўжалиги техникаси учун импорт қилинадиган эҳтиёт қисмларни бевосита ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш тизимини жорий этиш;

ўзаро манфаатли шартлар асосида Ўзбекистон Республикасига қишлоқ хўжалиги техникасининг янги илгор ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш.

18. “Ўзагротехсервис” АЖ:

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда “Ўзагротехсервис” АЖ ва унинг ташкилотлари ҳодимларининг иш ҳақи фонди микдорини ошириш бўйича аниқ чоралар қўрсин;

икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда реал вақт режимида механизация хизматлари кўрсатишнинг ягона электрон ҳисобини юритиш ва мониторинг қилишни жорий этиш чораларини қўрсин, бунда ушбу тизимнинг “Ўзагротехсервис” АЖ учун очиқ бўлишини таъминлашни назарда тутсин;

2019 йил 1 январига қадар тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни “Ўзагротехсервис” АЖга ўтказган ҳолда ҳудудий “Агротехсервис МТП” МЧЖларни “Ўзагротехсервис” АЖ таркибига қўшиб юборишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани қўриб чиксин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сонли “Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозларини даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 12-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

“Ўзагротехмаш” АЖ ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖларнинг бир-бирини тақорловчи функциялари ва тузилмаларини, уларни бирлаштириш ҳамда “Ўзагротехсервис” АЖни “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг ташкилий тузилмасидан чиқариш йўли билан оптималлаштириш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзагротехсервис” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳар чорада Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматига мазкур қарорнинг ижро ҳолати тўғрисида ахборот киритиб бoринлар.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 29 май		

«Циндао саммити ШХТни ривожлантиришда дадил қадам бўлади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ҳамда Покистон Ислom Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланган эди. Утган йилги Қозогистонда бўлиб ўтган саммитда бу икки давлат ташкилот аъзоллигига қабул қилинди. Эндиликда ШХТ экспертлар томонидан “Жадал ривожланаётган саккизлик” дея алоҳида эътироф ҳам этиляпти.

Жорий йилда ШХТга Хитой Халқ Республикаси раислик қилмоқда. Айни пайтда кенг жамоатчилик эътибори Циндаода бўлиб ўтадиган ана шу сиёсий тадбирга қаратилган. Брифингда ШХТга аъзо давлатлар вакиллари анжуманга қўриляётган тайёр-гарликлар ҳақида алоҳида маълумот бердилар.

Абдужаббор АБДУВОХИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар
вазирининг ўринбосари:

— Ўзбекистон ШХТга асос солган давлатлардан бири сифатида ўзининг ташқи сиёсатида ушбу тузилма фаолиятига катта эътибор қаратади.

ШХТ айни пайтда нуфузли халқаро ташкилотлар орасида мустақкам ўринга эга бўлиб, у минтақавий ва глобал даражада қатъий ҳамда барқарор ривожланишнинг самарали омилли сифатида фаолият юритмоқда. Бугун ушбу тузилма доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлик янги босқичга кўтарилляпти. Шу маънода, Ўзбекистон томони Ҳиндистон ва Покистон аъзоллигидан кейин илк бор саккизлик шаклида ўтадиган Циндаодаги саммитнинг аҳамиятини юқори баҳолайди. Ўйлаймизки, бу жараёнлар ташкилот фаолиятини янада ривожлантириш учун кейинги муҳим қадам сифатида аҳамиятга эга.

Саммит кун тартибига ШХТни ривожлантириш ва унинг истиқболлигига оид бир қанча муҳим масалалар киритилган. Якунда аъзо мамлакатлар ўртасида халқаро таъсирини ва ҳамкорлиқни янада мустақкамлашга доир қатор янги ҳужжатлар имзоланиши ҳам кутиляпти. Умуман олганда, Циндао саммити давлат раҳбарларига халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари, икки томонлама ҳамкорлиқнинг муҳим йўналишлари юзасидан фикр алмашishi имконини беради. Хитой томони Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислиги доирасида жуда яхши сазй-харажатларни амалга оширди. Чунончи, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ташкилотнинг амалдаги барча фаолиятини қамраб оладиган юздан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Уларда Ўзбекистон томони ҳам фаол қатнашди.



Ерик УТЕМБАЕВ,
Қозогистон Республикасининг
Ўзбекистондаги Факултода ва
мустор элчиси:

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ийлар давoмидa катта куч сифатида ўзининг мунoсиб oбруcига эга бўлиб бoряпти. Аъзолари қаторига Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши натижаcида энди ШХТ ўз миллиард аҳоли яшайдиган йирик халқаро ташкилотга айланди.

Бугунги кунда минтақавий ақилтеррор тузилмаси ШХТ фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Ўз вақтида ишлаб чиқилган самарали механизмлар хавфсизликка таҳдидларга жавоб бeришга имкон яратаяди. Ҳозирги пайтда ташкилот ахборот майдонидa турли ёт мафқуралар кириб кeлишидан ишончли ҳимоя қилмоқда. Фикримизча, ёшларни вaтaнпaрварлик ва кучли маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Қозогистон узоқ мuddатли, миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган, кўп векторли таомийлларига асосланган, муvозанaтли тaшқи cиёcaтни амaл-

га оширишни илгари суради. Бизнинг тaшқи cиёcaтда Россия, Хитой, АҚШ, Европа иттифоқи, Жануби-Шарқий, Яқин ва Урта Шарқ Осиё мамлакатлари билан кўп томонлама стратегик ҳамкорлиқни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Яқин қўшнилариимиз билан ўзарo муносабатлар ҳам устувор йўналишларимиздандир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шaвкaт Мирзиёев тaшaббуcи билан илк бор Қозогистонда бўлиб ўтган Мaркaзий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи мaслaҳaт учрашуви жуда муvаффақиятли тaшкил этилганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Кемель САДИКОВ,
Киргизистон Республикасининг
Ўзбекистондаги Элчихонаси мaслaҳaтчиcи:

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосий мақсад ва вазифаларига тинчлик, хавфсизлик ҳамда барқарорлиқни таъминлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, маърифий ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш киряди. Киргизистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ўзарo муносабатларда эъзoр таътибор қаратади.

Киргизистон ШХТ доирасидаги бир қатор тaшaббуc ва тақлифларни амалга оширди. Улар ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ишончимиз қомилки, ШХТнинг Циндао саммити энг юқори даражада тaшкил этиляди. Унинг натижалари бўйича эришилган кeлишувлар ШХТ доирасидаги ҳамкорлиқни янада мустақкамлаш ва ташкилотнинг халқарo майдонда таъсирини кучайтиришга туртки бeради. Шуниси қувонарлики, 2018-2019 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига навбатдаги раислик Қиргизистонга ўтади. Бу эса Шанхай руҳини янада кeнг тарғиб қилишда биз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Юсуф ШАМИЙ,
Покистон Ислom Республикасининг
Ўзбекистондаги Факултода ва
мустор элчиси:

— Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзоллигига қабул қилинган хар ҳижатдан муҳим воқеадир. Чунки мамлакатимизда тарихий ва маданий, замонавий савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланган. ШХТ Покистонга қурилиш, савдо ва инвестицияларни ривожлантириш учун улкан салоҳият-

ни очиб бeради. Биз савдо ва иқтисодий ҳамкорлик узоқ мuddатли тараққиёт ҳамда минтақа фарoвонлигининг асосий устуни, деб ҳисоблаймиз. Терроризм, экстремизм тарқалишига қарши курашда таҳрибга эга мамлакат сифатида Покистон ШХТ МАТТнинг сазй-харақатларини қўллаб-қувватлайди. Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш, шунингдек, Афғонистон ва минтақада хавфсизликка таҳдидларга ва терроризмга қарши курашиш учун ШХТнинг Афғонистон бўйича мулоқот гуруҳи ишига катта умид боғлаймиз.

Владимир ТЮРДЕНЕВ,
Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги

Парламентлараро мулоқот

мустаҳкам дўстлик муносабатларига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда парламентлараро муносабатларнинг, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақалар ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига катта туртки бермоқда, —

дейди Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші Тўроғаси ўринбосари Асель Кодуранова. — Албатта, бу саъй-ҳаракатлар парламентлараро муносабатларда ҳам яққол акс этаётгани диққатга сазовор. Парламентлараро комиссиянинг биринчи мажлиси ҳам юқори савияда ташкил этилгани бунинг далилидир.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комис-

сиянинг регламенти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші девонининг Илмий-тадқиқот маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Яқунда комиссиянинг иккинчи мажлисини Ўш шаҳрида ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Конституциявий одил судлов таъминланади

Пойтахтимизда “Конституциявий суд давлат ҳокимияти органлари тизимида: вазифалар ва истиқболлар” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда парламент аъзолари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлиари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, айнаи пайтда бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Булар, ўз навбатида, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Давра суҳбатида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар жамиятда адолат тамойилларини кенг қарор топтиришга, мамлакатда демократияни ривожлантиришга хизмат қилаётгани, энг муҳими, бу тиб ўзгаришлардан одамлар

мамнун экани қайд этилди. Бинобарин, Президентимиз 2017 йил 13 июнда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш бора-сидаги ишларнинг ахволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ҳам адолат халқимиз учун азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, эзгулик манбаи бўлиб келганини таъкидлаган эди.

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ушбу соҳада аниқ чора-тадбирлар, кенг қамровли ишлар тизимли олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди эксперти Камола Ҳамидова. — Чунончи, ягона Олий суд ташкил этилди, маъмурий ва иқтисодий судлар тузилди, судьялар ҳақжамиятининг янги органи сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Албатта, буларнинг барчаси фуқаролар, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш қафолатларини қучайтиришда муҳим ўрин тутаётир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108 ҳамда 109-моддаларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани, унинг асосида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилингани айтиб ўтилди.

Иштирокчиларнинг фикрича, ушбу Қонун фуқаролар-

нинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари қафолатларини янада мустаҳкамлаш ва ишончли ҳимоялашга ҳамда конституциявий одил судловнинг роли ва аҳамиятини қучайтиришга хизмат қилади. Унга мувофиқ, Конституциявий судга қўшимча ваколатлар берилди. Хусусан, Конституциявий судга ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш ваколати берилгани Конституция устунлиги принципини таъминлашининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга қаратилган муҳим тадбир эканини тасдиқлайди.

Давра суҳбатида Конституциявий суднинг давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги каби масалалар қизгин муҳокама қилинди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишни такомиллаштириш, Конституциявий суднинг парламент палаталари, Олий суд, Омбудсман билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги масалаларга ҳам батафсил тўхталди ўтилди. Конституциявий суднинг ушбу органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Давра суҳбати якунлари бўйича тегишли ҳужжат қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Аввал хабар қилинганидек, парламент аъзолари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳолини ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этишга бевосита кўмаклашиш мақсадида жойларда фаолият олиб бордилар.

Ўрганиш натижалари, таҳлил ва назорат

Айни пайтда ҳудудларда ушбу ўрганишлар натижалари парламент аъзолари иштирокидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинмоқда. Уларда ислохотлар самараси, давлат идораларининг аҳоли мурожаатларини ҳал этишдаги фаолияти, парламент аъзолари томонидан туманлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганиш давомида аниқланган камчилик ва муаммолар, уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари муфассал қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилиняпти.

Чунончи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этган **халқ депутатлари Косон тумани Кенгаши**нинг навбатдан ташқари сессиясида инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш бугунги кунда устувор вазифалардан бири эканига ургу берилди.

Сессияда аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ахволи юзасидан мутасадди рахбарларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари

томонидан ўтказилган ўрганишларда айни пайтда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш-профилактика муассасаларида 69 нафар шифокор етишмаслиги, шунингдек, тўрт қаватли марказий шифохона, икки қаватли болалар шифохонаси ва кўп тармоқли марказий поликлиника, силга қарши курашиш бўлими, тез тиббий ёрдам бўлими, марказий автоклав бўлими, 9 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳамда қишлоқ врачлик пункти капитал таъмирга муҳтожлиги аниқланган. Соғлиқни сақлаш соҳаси масъулларига бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш ҳамда чорак якунлари бўйича унинг ижроси юзасидан бирлашма раҳбарининг ҳисоботини эшитиш зарурлиги таъкидланди.

Туман ҳокими ўринбосарининг аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш тизимини ташкил қилиш бўйича Президентимизнинг тегишли Фармон ҳамда қарори ижросига бағишланган ахбороти ўрганилди. Мазкур масала бўйича ҳам соҳадаги муаммолар ва йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталиб, уларни бар-

тараф этиш юзасидан қуйи палата депутатлари киритган тақлифлар эътиборга олинган ҳолда амалий ишлар режаси келишиб олинди.

Халқ депутатлари Нарпай тумани Кенгаши сессиясида аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасида кўлга киритилган ютуқлар билан бир-

га, ечимини қутаётган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Таъкидланганидек, туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилиши баробарида, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Сессияда зиммасидаги вазифаларни бажаришда сусткашлик билан ишлаган айрим раҳбар ходимлар фаолияти кескин танқид қилинди. Туман фаоллари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари олдида мавжуд камчиликларни зудлик билан бартара-

Шунингдек, сессияда ўрганишларда фуқаролардан ички йўллارни таъмирлаш, ободонлаштириш масалалари бўйича билдирилган мурожаатлар масъул мутасаддилар иштирокида қўриб чиқилди. 7 та қўчаниннг 4,7 километр узунлидаги ички йўлларини таъмирлаш ва асфальт ётқизиш масаласи 2018 йил “Йўл харитаси”га киритилди.

раф этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш натижалари **халқ депутатлари Қораўзак тумани Кенгаши** сессиясида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур ҳужжат ижроси юзасидан туманда секторлар фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Албатта, ислохотлар бугун ўзининг амалий натижаларини бераяпти, лекин шу билан бирга, мавжуд муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳолдас Абдуҷамилов. — Сессия давомида ана шу масалалар ечимига амалий ёндашилди ва ижобий натижага эришилди. Бандлик масаласида қўлга киритилган натижалар, айниқса, барчамизни қувонтирди. Биргина мисол, мана шу ўрганишларимиз давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 53 та ташкилот ҳамда корхона 500 иш ўрни билан қатнашди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу тадбир туфайли 185 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

МАРДЛИК

“Қаҳрамонлар — орамизда яшайди” деган гап бежиз айтилмаган. Бундай инсонлар, қайси соҳада бўлмасин, ном ёки шуҳрат қозониш учун эмас, балки ўз ишини чин юракдан, фидойиларча қилдиларки, уларнинг ана шу эзгу амили, жасорати кўпчилик учун чинакам ибратга айланади.

Хизмат бурчини бажариш чоғида ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатди

Бундан бир неча кун олдин Сурхондарё вилоятида рўй берган табиий офат — кучли тошқин пайтида хизмат бурчини адо этиш ва одамлар ҳаётини сақлаб қолишда Шохруҳбек Ўразолиев ҳам ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатиб, афсуски, ҳалок бўлди. Бу хабар юртдошларимизни, хусусан, жиззахликларни қучур қайғуга солди. Аммо бир жиҳат кўнгилга таскин беради. Шохруҳбек ахдида содик қолиб, ўзгара омонлиги йўлида жонини фидо қилди. Унинг мардлиги ҳеч қачон унутилмайди.

Бугун юртимизда вояга етаётган ҳар бир ўғлон миллий армиямиз сафида хизмат қилишни, ҳарбий либос кийиб, шу соҳада фаолият юритишни истади. Бинобарин, армия йигитнинг дунёқарашини кенгайтиради, билимини ошириб, жисмонан чин қилиб, мардлик фазилатларини мустаҳкамлайди. Ватанга содиқлик, меҳр-муҳаббат тўғйуларини юксалтиради.

Эндигина 24 ёшни қаршилаётган Шохруҳбек ҳам ана шундай жасур ўғлонлардан эди. У 1994 йилда Бахмал туманидаги Олмазор қишлоғида туғилди. Болалигиданоқ ҳарбий соҳага қизиқиши ортиб, мақсадига эришиш йўлида қатъий интилди. Спорт билан мунтазам шуғулланди. Қатъиятли, иродали, бақувват ва соғлом бўлиб улгайди.

Тумандаги 50-умумтаълим мактабини битиргач, унинг дилидаги юксак орзуси рўёбга чиқди. Шохруҳбек 2014 йилда ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда хизмат фаолиятини бошлади. Берилган топшириқларни ҳар доим аъло даражада бажариб келарди. Ҳар қандай шароитда хизмат бурчини ҳақиқий ҳарбийларга хос темир интизом, қатъият, матонат билан адо этиб, бошқаларга ибрат бўлди.

Шохруҳбек ҳарбий соҳага астойдил меҳр қўйгани

учун муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, шартнома асосида хизматнинг давом эттириётганди. У хизматдаги эришган муваффақиятлари учун бир неча бор қисм раҳбариятининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

— Инсон ҳаётда неча йил умр кўргани билан эмас, элу юртага теккан нафи, жамиятга келтирган фойдаси, атрофдагиларга кўрсатган яхшиликлари билан баҳоланар экан, — дейди марҳум Шохруҳбек Ўразолиевнинг онаси Шоира Ҳамроева. — Ҳар бир одам тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиши керак экан. Сел ҳам бир офат. Унинг олдида инсон ожиз. Шу ожизликни енгиб ўтиб, ёрдамга муҳтожларни қутқорган, бунинг учун жонини фидо қилган ўғлимдан мингдон-минг розиман. У билан фахрланаман.

Президентимиз жорий йилнинг январь ойида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида шундай деган эди: “Ҳеч шубҳасиз, Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида юртимиз озошлиги, халқимизнинг бугунги тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир”.

Марҳум Шохруҳбек Ўразолиевнинг ҳам кўрсатган қаҳрамонлиги давлатимиз томонидан эътироф этилди. У Президентимиз Фармони га асосан, “Жасорат” медали билан мукофотланди.

Юртимиз тинчлиги, халқимизнинг фаровон яшаши учун жонини фидо қилган инсонлар ёди ҳеч қачон унутилмайди.

Толибжон ЭҲҲАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Уч йилдан ортиқ давом этган муроасасиз кураш

бир фуқаронинг айбсиз эканлигини исботлаш билан якунланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Айрим шахсларнинг қасддан тергов ва суд органларига берган ёлғон кўрсатмалари, терговчининг қалбаки далиллари, асоссиз айбловларига асосан, ноқонуний жавобгарликка тортилдим ва деярли тўрт йил мобайнида оилам аъзолари билан руҳий азоб чекдим, — деб ёзади М. Алимтаева Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига йўлланган ташаққурномасида. — Марказнинг яқиндан берган ёрдами, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига қучур асосланган мурожаатлари нихоят адолат қарор топишини таъминлади. Айниқса, Марказ вакилларининг апелляция бўйича барча суд мажлисларида тўлиқ иштирок этиши айбсиз эканлигини исботлашмида катта аҳамиятга эга бўлди.

Бундай миннатдорлик мактублари Марказга тез-тез келиб туради. Фуқаролар шикоят ва аризаларининг 197 таси фуқаролик, 300 таси жиноий, 45 таси маъмурий, 10 таси иқтисодий судлар фаолияти юзасидандир. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек, “текшир-текшир” ва “деди-деди” қабилдаги гаплар асосида жавобгарликка тортишлардан халқимиз қаттиқ қарчаган.

Бунга ана бир мисол тариқасида Нурмаҳамат Аҳмедовнинг суд ишини келтириш мумкин. У Жиноят ко-

дексининг 167-моддаси 3-қисми “а” ва 209-моддаси 2-қисми “а” бандлари билан, яъни ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганин мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан жуда

давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказишда айбланган.

Айбланувчи томонидан Миллий марказга мурожаатида тақдим этилган ҳужжатлар ҳолис, синчиклаб ўрганиб чиқилганида, унга нисба-

апелляция инстанциясининг ажрими билан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусов судининг Нурмаҳамат Аҳмедовга нисбатан ҳукми бекор қилинди, айбланувчининг қилимишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун у айбсиз, деб топилиб оқланди.

— Бугун менинг қувончим ўзгача ва тенги йўқ, — деб ёзади ўз ташаққурномасида Н. Аҳмедов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 ноябрдаги Фармонида “Шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган фактларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган қўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далиллارни қалбақиллаштиришнинг қилимишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун у айбсиз, деб топилиб оқланди.

Натижада Тошкент шаҳар суди

2017 йилнинг ўзида Марказга мамлакатимизнинг 1960 нафар фуқароси шикоят билан мурожаат қилди.

Улар юзасидан олиб борилган текширишлар ва суриштиришлар натижасида

81 фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди,

164 кишига ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини амалга оширишларида

ёрдам кўрсатилди,

442 та мурожаат бўйича шикоятларда

кўрсатилган муаммоларни ҳал этишнинг

қонуний йўл-йўриқлари тушунтирилди.

кўп миқдорда талон-торож қилиш ҳамда ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни қўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбақиллаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд

тан асоссиз равишда маъмурий ҳамда жиноий иш қўзғатилганлиги, ноқонуний жавобгарликка тортилганини аниқланди. Ана шунга асосланган ҳолда Марказ ўз хулосаларини Олий судга йўллади. Айни пайтда худди шу муносабат билан бир неча марта Бош прокуратурага ҳам тақлифлар киритилди.

Натижада Тошкент шаҳар суди



Миллий марказ масъул ходимлари ҳуқуқлари бузилган, ноҳақ айбланиб жазоланган фуқаролар учун нажот маскани бўлмоқда. Уларнинг қонун ва адолат тантанаси учун сабот билан кураш олиб боришлари натижасида, жумладан, 18 йил озошликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган Сухроб Юнусовга нисбатан суд ҳукми бекор қилиниб, у озошликка чиқарилиди. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Яқкасарой туманида истикомат қилувчи А. Абдуллаеванинг ҳонадонини давлат эгалигига ўтказиш тўғрисидаги суднинг ҳукми ҳам бекор қилиниб, фуқаронинг мулк ҳуқуқи тикланди. Қатор судланган фуқароларга нисбатан эса айбловларнинг айрим моддалари бекор қилинди ва уларга енгилроқ жазо белгиланди.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатда, жамиятда қонун устуворлиги, адолат тикланаётганлигининг амалий ифодаси бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат кўргони”га айлантириш борасида қатъий ислохотлар олиб борилаётганидан далоятлардир.

Э. ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Болалар оромгоҳлари

Бу йил улар ўғил-қизларни интеллектуал ривожлантириш марказлари сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

Ушбу фикрлар болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкил қилинган ҳудудий семинарларда таъкидланди.

ТАЪТИЛ — 2018

Жорий йил мамлакатимиз оромгоҳларида 301 минг 500 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 7 минг 600 нафар кўп. Шу мақсадда 1 минг 313 та оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилади. Улардан 26 таси стационар, 978 таси кундузги, 129 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир.

Яна бир эътиборга молик янгилик шундан иборатки, бу йилги ёз мавсуми давомида республикада ҳудудларида 15 та интеллектуал ривожлантириш, 14 тадан ҳарбий спорт ва ўлкашунослик, яна шунча техник ҳамда бадий

ижодкорлик, 7 та ижтимоий мослашув оромгоҳлари ташкил этилади. Шунингдек, ўсмир ёшдаги болаларни қамраб олиш мақсадида меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари сони 129 тага етказилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари, ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар раислари, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идора ва бошқарма масъуллари, стационар турдаги оромгоҳлар бошлиқлари ҳамда уларда фаолият юритувчи ходимлар иштирок этган ана шундай семинарлар-

нинг бири Бўстонлик туманидаги “Ёшлик” оромгоҳида бўлиб ўтди.

Унда болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми давомида барча турдаги оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш, болаларнинг сифатли, мазмунли дам олишларини таъминлаш йўналишидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, оромгоҳларда болаларга ма-лакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш билан бирга, уларнинг санитария-гигиена талабларига мослигини назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизлик масалаларига урғу берилди.

Бу йилги мавсумда Тошкент вилоятидаги 19 та стационар оромгоҳида 15 минг 14 нафар, мактаблар қошидаги 160 та кундузги оромгоҳида 17 минг 770 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш мўлжалланаётгани айтиб ўтилди.

— Ҳудудий семинар доирасида уюштирилган кўргазмаларда Болаларни соғломлаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, плакатлар, оромгоҳларда фаолият юритиши режалаштирилган тўғрақ ва кутубхона, шунингдек, ўтган йилги соғломлаштириш мавсуми якунларига кўра, энг намуна-ли, деб топилган оромгоҳлар фаолиятига оид стендларни ҳам намойиш этдик, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси масъул ходими Мухаббат Урмонбекова. — Тадбир иштирокчилари бу ердан керакли билим ва кўникмалар билан қайтдилар. Ана шундай семинарлар Тошкент шаҳрида, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида ҳам ўтказилди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Наманган нафақат олмаси, гуллари билан ҳам мафтункор

Наманганда анъанавий гул байрами бўлиб ўтмоқда. Эллик саккизинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуманда нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам қатнашаётгани унинг халқаро миқёсга чиқиш бораётганидан далолатдир.

АНЪАНА

Байрам тадбирлари “Наманган” халқаро аэропортида меҳмонларни тантанали кутиб олиш билан бошланди. Улар шарафига гуллар билан безатилган автомобиллар қарвони иштирокида ўзига хос парад уюштирилди.

Бу галги айёмда Бангладеш, Саудия Арабистони, Кувайт, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан ишбилармонлар, сайёҳлар ва гул ишқибозлари қатнашмоқда. Асосий кўргазма

Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил қилинди. Уста гулкорлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хаваскор боғбонлари томонидан 1,5 миллион тулдан зиёд гуллар намойишга қўйилди. 100 дан ортиқ манзарали кўринишлар барпо этилди. Махсус ажратилган жойларга 2,5 миллион тул мавсумий гул қўчатлари ўтказилди.

Наманганлик гулчилар байрамни интиқлик билан қуттишди. Шу боис кўргазмага қўйиш



учун чечакларнинг энг ноёб турларини парваришлашади.

— Гулчилик бизга аجدодлардан мерос, — дейди хусусий тадбиркор Садриддин Қодиров. — Ҳозирги кунда иссиқхонамиздаги қўчатлар тури 500 дан ортади. Янги навларни маҳаллийлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, сўнгги бир йил давомида “Бугуэла” деб аталадиган Арабистон атиргулини иклимимизга мослаштирдик.

Унинг бир неча турини бугун кўргазмага ҳам қўйганмиз. Бир ҳафта давом этади-

ган байрам кунлари маданият ва истироҳат боғи чинакам сайилгоҳ, кўнгилочар тадбирлар масканига айланади. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткор ва сўз усталари, вилоят бадийи жамоалари, дорбозлик ҳамда бошқа турдаги халқ ўйинлари ихрочиларининг чиқишлари айёмга янада кўтаринкилик бахш этади. Мушоиралар уюштирилади, тадбир якунида эса энг яхши гулчи аниқланиб, “Спарк” автомоби билан тақдирланади. Шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича голибларни ҳам қимматбаҳо совринлар кутмоқда.

Гул байрамининг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров сўзга чиқди.

Қудратилла НАЖИДДИНОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бинолари мажмуасидан фойдаланиш дирекцияси» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ислон Каримов кўчаси, 55-уйда сақланаётган ТМЗ 1000/10 русумдаги трансформатор қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2018 йил 8 июнькуни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).
Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 6 июнь кuni соат 18.00.
Савдо голиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закатал пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Davr bank» ХАТБ Олмazor филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.
Гувоҳнома № 001805.
Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмazor тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-18, С-35
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — **38 000** сўм/п.м. • 0,45 мм. — **42 500** сўм/п.м. • 0,7 мм. — **65 500** сўм/п.м.
ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005 0,45 мм. — **48 600** сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — **48 600** сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — **54 000** сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — **54 000** сўм/п.м.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: **(+ 998 95) 197-00-93**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонахона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ISSN 2010-6768
4578/5

Тахриратга келган қўёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират марказида термал ҳамда оператор Ж. Тоғева томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 **Тошпирилди — 04.00** **1 2 3 4 5 6**